

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзгидромет Бош директори,

ҳайъат раиси

Ш.Х. Ҳабибуллаев

19_»_02_ 2021 й.



**Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати
марказининг ҳайъат йиғилишининг
5-сон БАЁНИ**

2021 йил 19 февраль

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: Ш.Х.Ҳабибуллаев – Ўзгидромет Бош директори

Иштирок этганлар: Б.Нишонов, Б.Холматжонов, Ф.Болтабоев,
Г.Юсупова, Ф.Сафаров, Д.Турғунов, М.Плоцен,
В.Кивенко, А.Ражабова, М.Назарова,
Н.Агальцева, С.Абдуллаева, Б.Азимов,
Қ.Захидов, Ш.Ибрагимова, А.Нарзуллаев,
Т.Ходжамуродов, И.Обидова,
И.Калоходжаева, М.Фарзидинов, Д.Исхакова

Таклиф этилганлар: И.Умаров – Вазирлар Маҳкамаси бош мутахассиси

Навбатдан ташқари ҳайъат йиғилиш мажлиси кун тартибини Бош директор Ш.Ҳабибуллаев муҳокамага қўйди ва йиғилиш аъзолари томонидан кун тартиби бир овоздан қабул қилинди.

КУН ТАРТИБИ:

І. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ва унинг тизимидаги ташкилотларда 2020 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари ижроси бўйича ижро интизоми ҳолати мониторинги натижалари тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзгидромет Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми бўлими бош мутахассиси М.Фарзидиновнинг ахбороти тингланди.

Ўзгидромет Бош директори Ш.Ҳабибуллаев қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш ва мониторингини юритишнинг таъсирчан тизимини яратиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида, шунингдек, 2016-2021 йилларда тасдиқланган тармоқ ва ҳудудий ривожланиш дастурларида белгиланган мақсадларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда барча даражадаги ҳокимларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони қабул қилинганлигини маълум қилди.

Қун тартибидаги масала юзасидан Ўзгидромет Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми бўлими 1 тоифали муҳандиси Д.Исхакованинг ахбороти тингланди. Жумладан мазкур Фармонга мувофиқ:

1) Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни пухта ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг таъсирчан амалиётини шакллантириш, уларни аниқ ижрочилар, кенг жамоатчилик ва аҳолига тазкор етказиш, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳатларни чуқурлаштириш, жорий, ўрта муддатли ва истикболдаги вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича шошилиш ҳамда тезкор чоралар кўриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Адлия вазирлигининг ташкилий, ижро ва назорат фаолиятининг ягона тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинганлиги.

2) қуйидагилар:

Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармоиш ва топшириқларининг амалга оширилиши бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш тартиби;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати, давлат бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликларида ишларни ташкил қилиш ва ижро интизомини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишларини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»;

«Ijro.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг ижроси бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш схемаси тасдиқланганлиги;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, давлат кўмиталари раислари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари ушбу Фармон билан белгиланган талабларнинг сўзсиз, ўз вақтида ва натижали бажарилиши учун шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида огоҳлантирилган, бунда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилганлиги;

4) Бош вазир ўринбосарлари, давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари бир ҳафта муддатда ушбу Фармон талаблари сўзсиз ва ҳар томонлама амалга оширилиши юзасидан аниқ ҳаракатлар режалари пухта ишлаб чиқилишини ва коллегиял органлар мажлисларида тасдиқланишини таъминлашлари топширилганлиги;

5) «Ijro.gov.uz» тизими орқали қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилишнинг тасдиқланган «Ijro.gov.uz» ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизимига қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг ижроси бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш схемасида келтирилган тартибга мувофиқ мутлақо янги тизими жорий қилиниши белгиланганлиги;

6) қуйидагилар:

2021 йил 1 апрелдан бошлаб, барча республика даражасидаги давлат органлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ижро интизомига масъул бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масалалари мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Ижро интизомини таъминлаш шўъбаси билан келишилиши;

2021 йил 1 майдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ижронини назорат қилиш, назорат картотекаларини юритиш ва ҳисоботларни шакллантириш фақат «Ijro.gov.uz» тизимида амалга оширилиши;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси бўйича йиллик манзилли ва тематик таҳлилий ўрганишлар дастури Адлия вазирлиги томонидан Ҳисоб палатаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар таклифлари асосида ишлаб чиқилиши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан тасдиқланиши белгиланганлигини маълум қилди.

Шунингдек, 2020 йил давомида “Ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими - app.ijro.uz” платформаси мониторинги бўйича Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати марказига жами 30 та Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари келиб тушган. Шулардан:

9 та Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

2 та Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони;

1 та Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармойиши;

6 та Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари;

12 та Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари келиб тушган ва ҳужжатлар ўрнатилган тартибда, муддатларда рўйхатга олиниб, Бош директорнинг тегишли кўрсатмаларига мувофиқ ижро учун қабул қилинган.

Барча келиб тушган 30 та ҳужжатлар бўйича 30 та бевосита қарорлар - Бош директорнинг 28 та буйруқлари қабул қилинган ва уларни бажарилиши бўйича назорат режалари, чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани ва барча ҳужжатлар ўз муддатида бажарилганлиги ҳақида ахборот берди.

Кун тартибидаги масала юзасидан қилинган маъруза ҳамда билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида Ўзгидромет маркази раҳбарияти **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази 2020 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари ижроси бўйича ижро интизоми ҳолати мониторинги натижалари юзасидан Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми бўлими 1 тоифали муҳандиси Д.Исхақованинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази:

Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг амалга оширилиши бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш тартиби 1-иловага мувофиқ;

Ишларни ташкил қилиш ва ижро интизомини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишларини амалга ошириш юзасидан ҳаракатлар режаси 2-иловага мувофиқ;

«ijgo.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг ижроси бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш схемаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми (М.Фарзиддинов) мазкур Фармон ижроси бўйича:

ўз вақтида ва сифатли бажарилиши назоратини юритсин ва топшириқлар ижросини мувофиқлаштириб борсин;

таъминлаш борасида Ўзгидрометнинг тегишли буйруғи лойиҳасини киритсин;

«ijgo.uz» ижро интизоми ягона электрон тизимидаги топшириқларнинг ўз муддатида бажарилишини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилишини, тизимга асослантириувчи ҳужжатларнинг бириктирилиши устидан қатъий назорат ўрнатилишини ҳамда ҳар бир топшириқнинг ижро ҳолати бўйича кунлик назорат юритилишини таъминласин.

4. Мазкур баён ижросини назорат қилиш Ўзгидромет Бош директори биринчи ўринбосари Б.Нишонов зиммасига юклатилсин.

Масъул котиб

Д.Исхакова